



ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ганиев Фаррух Тохиржонович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси,
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7808310>

ARTICLE INFO

Received: 30th March 2023

Accepted: 06th April 2023

Online: 07th April 2023

KEY WORDS

Ўғирлик, жиноят,
ҳуқуқбузарликларнинг махсус
профилактикаси,
ҳуқуқбузарликларнинг
умумий профилактикаси.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ўғирлик жиноятларининг тушунчаси, турлари, уларни олдини олиш йўллари ва бу борада чет эл ва юртимиз ҳуқуқшунос олимларининг фикр мулоҳазалари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан ўз таклиф тавсиялари ишлаб чиқилган.

Маълумки мамалакатимизда жисмоний ваа юриик шахсларнинг мулки даҳлсиздир. Аммо, пешона ттери билан топилувчи мулкка ҳам чанг соладиган нодонлар кўплаб топилади. Ушбу нодонларнинг бир тури – бу ўғрилардир.

Жиноят қонунига кўра ўғирлик – бу ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш, яъни ўғирлик жабрланувчи ёки бошқа шахслар йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкни яширинча талон-тарож қилишдир¹. Хонадонларда содир этиладиган ўғирликларнинг криминологик таснифи – маскур жиноятни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг энг мухим белгилари билан боғлиқ маълумотлар йиғиндиси бўлиб, мазкур жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб беради.

Ўғирлик ўзгалар мулкни талон-тарож қилишга қаратилган жиноятларнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бунга сабаб, аввало, ўғирликни очиш фоизларининг унчалик катта эмаслигида, чунки ўғирлик яширин равишда содир этилади, унинг очилишини қийинлаштиради.

Ўғирлик жиноятининг объекти ўзганинг мол-мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланиши лозим.

Объектив томондан ўғирлик ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилишда, яъни ғайриқонуний бепул ундиришда ифодаланиди.

Талон-тарож қилишнинг яширин усули деганда, мулк эгаси ёки мулк ишониб топширилган ёки ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан, улар йуқ вақтда ёуд мулкдор ёки бошқа шахслар мулкнинг талон-тарож қилинаётганини тушнмаган вақтда содир этилиши тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республиксининг Жиноят Кодекси 169-модда <https://lex.uz/docs/111453>



Агар мулк эгаси ёки мулк ихтиёрида бўлган ёки у ишониб топширилган шахс талон-тарож қилиш чоғида ҳозир бўлса-ю, аммо талон-тарож содир бўлаётганини тушуниб етмаса, шахснинг қилмиши (масалан, мулк эгаси, қоравул ухлаётган бўлади ёхуд алкоголь ёки наркотик мастлик ҳолатида бўлиб, мулк талон-тарож қилинаётганини англаб етмайди) ўғирлик деб квалификация қилинади².

Мулкни очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш атрофдаги шахсларнинг кўзи олдида содир этилган бўлса-ю, атрофдагилар буни англамаса (масалан, айбдор бировнинг чамадонини эгаси йуқлигидан фойдаланиб атрофдагиларнинг кўзи олдида ўғирлайди, бунда жиноятчи атрофдагилар у ўз чамадонини олиб кетяпти, деб ўйлашларига ишонади ва ҳоказо ҳолларда) ҳам ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш деб ҳисобланмоғи лозим.

Барча ҳолларда талон-тарож қилишни яширин деб ҳисоблаш учун, ўзаро боғлиқ бўлган иккита: объектив ва субъектив мезонни таҳлил қилиш ва баҳолаш лозим. Уларнинг биринчиси ҳал қилиувчи тусга эмас, балки кўпроқ қўшимча ахамиятга эга бўлади. Шунинг учун айбдор ўзгалар мол-мулкни ғайриқонуний ундиришга қаратилган ўз ҳаракатлари атрофдагилар учун кўринмаслигига ишонган ҳолларда ҳам ўғирлик таркиби мавжуд бўлади. Масалан, жиноятчи дўконда муайян бир буюмни эгаллаб, уни кўчага олиб чиқишга уринаётган пайтида уни маъмурий хизмат ҳудудида ўз хизмат бурчини ўтаётган профилактика инспекторлар ходимлари томонидан ушланди.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқбузарликни касалликка, ҳуқуқбузар шахсни беморга қиёслашди ва мазмунан уларни бир-бирига яқин тушунчалар деб билишди³. Дарҳақиқат, пенитенциар тизимда жазо ҳуқуқбузар шахсни жазолашга эмас, балки ахлоқан тузатишга хизмат қилиши лозим деган қараш мавжуд⁴. Тиббиёт соҳасида эса беморни ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғломлаштиришга эътибор қаратилади⁵.

Ўғирлик жиноятларининг профилактикасида самарали натижаларга эришиш, миқдорини ва салбий оқибатларини энг паст даражагача камайтириш учун уларнинг содир этилишини тақазо қилувчи, белгилаб берувчи сабаб ва шароит сифатида таъсир кўрсатувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнларни, улар ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш керак.

Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 май қонунига асосан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу ҳуқуқ-тартиботини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шаротларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги “Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон қарори <https://lex.uz/acts/1448644>

³ Аистова, Л. (2022). Кража. Анализ состава преступления и проблемы квалификации. Litres., Б.34

⁴ АКЧУРИН А. В. К ВОПРОСУ ОБ ОБЪЕКТЕ И ПРЕДМЕРЕ ПЕНИТЕНЦИАРНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ //Редакционная коллегия: ВГ Бояринев, заместитель директора ФСИН России (ответствен. – 2021. – С. 11.

⁵ Меркулова, Ю. С. (1993). Криминалистическая характеристика краж произведений искусства. *Известия высших учебных заведений. Правоведение*, (1), 124-125.



хуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимиологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора тадбирлари тизимидир.⁶

Ушбу қонуннинг 6-моддасига кўра хуқуқбузарликлар профилактикасининг 4 та тури мавжуд, булар:

- хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси;

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда иштирок етувчи органлар ва муассасаларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Ўғирлик жиноятларининг махсус профилактикаси – бу хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ўғирлик жиноятларининг профилактикаси, бу турдаги жиноятнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятдир.

Ушбу фаолиятда нормативлик ва конкретлилик ўзаро бир-бирига боғлиқ компонентлар бўлиб, уларнинг бир бирига мутаносиблиги ушбу чораларнинг самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлайди⁷.

Ўғирлик жиноятларининг якка тартибдаги профилактикаси – ўғирлик жиноятларининг профилактикасини амалга оширувчи ҳамда иштирок етувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти.

Ўғирлик жиноятларининг виктимологик профилактикаси – бу ўғирлик жиноятларининг профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши ҳавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ўғирлик жиноятларининг профилактикасининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш;

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –2014. –№20.–221-м.

⁷ Зиёдуллаев, М., & Абдуллаев, Ф. (2022). ИЧКИ ИШЛАР ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МАЪМУРИЙ ЧЕКЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚўЛЛОВЧИ СУБЪЕКТ СИФАТИДА. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(2), 16-18.



- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- ўғирлик жиноятларининг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- жисмий шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Шулардан кўриниб турибдики, ушбу қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, принциплари ва турларидан келиб чиққан ҳолда, ўғирлик жиноятининг махсус профилактикасини ташкил этамиз.

Албатта, бу каби умумижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш, айтиб ўтилганидек, махсус профилактика чораларининг янада аниқ йўналишларда ва жадал бўлишини талаб этади. Шунга кўра, давлат амалга оширадиган махсус чора-тадбирларни қуйидаги бешта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) иқтисодий; б) ташкилий; в) техникавий; г) ҳуқуқий; д) тарбиявий чора-тадбирлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу чора-тадбирларнинг ҳар бири мустақил бўлгани ҳолда, уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун комплекс ҳолда ташкил этилиши даркор.

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг келиб чиқишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- ташкилий-хўжалик омиллари;
- иқтисодий сиёсатдаги камчиликлар, лозим даражадаги назорат тизимининг йўқлиги, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти хўжалик амалиётининг талабларига жавоб бермаслиги;
- ижтимоий-психологик омиллар;
- ҳуқуқий тарбия ишларидаги камчиликлар, аҳоли, айниқса ўрта бошқарув бўғини вакилларининг хўжалик соҳасидаги мураккаб вазифаларни янги иқтисодий мафкура негизида ечишга тайёр эмаслиги.

Профилактика хизматлари тизимида мустақил тузилмалар томонидан ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан соҳавий (тармоқ) дастурлар ишлаб чиқилиб, жамиятга татбиқ этилади. Хусусан, Бош бошқарма таркибидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлимлари томонидан тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, фаолият йўналишларига татбиқ этилади. Ушбу соҳавий дастурлар учун асос бўлиб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги давлат дастури ёки ушбу соҳа



бўйича криминоген вазиятни ўрганиш, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлигини таҳлил қилиш натижалари хизмат қилади. Ушбу дастурларнинг ишлаб чиқилишида соҳавий хизматлар ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари, уларни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларини тақдим этиб боради.

Худудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишида иштирок этиш учун маъсул субъектлар профилактика хизматларининг хухудий тузилмалари, яъни, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ХПБ, Тошкент шаҳар ИИББ ХПБ ва вилоятлар ИИБ ХПБлари ҳисобланади. Профилактика хизматларининг ушбу бўғинлари худудий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш жараёнида мавжуд муаммоларни таҳлил этади ҳамда қўйи турувчи бўлинмаларнинг бу борадаги таклифларини ҳам инобатга олади.

Профилактика инспекторлари ўғирлик ҳуқуқбузарликларининг содир этилишига қарши барвақт курашиш учун махсус профилактикасини олиб боришда умумий профилактикада ўтказиладиган чора-тадбирлардан яна бир муҳими аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Сабаби ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқбузарга нисбатан психик, жисмоний ва молиявий таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланиладиган маъмурий олдини олиш чорасидир⁸

ИИБ ХПББ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ХПБ, Тошкент шаҳар ИИББ ХПБ ва вилоятлар ИИБ ХПБлари қонунчилик тизимидаги жараёнлардан, бутун мамлакатдаги, айрим минтақалардаги криминоген вазиятнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий мавзуларини шакллантиради ва уларни амалга ошириш учун зарур услубий материалларини тайёрлашни ташкил этади. Зарур ҳолларда ушбу жараёнга бошқа соҳавий хизматлар ва манфаатдор орган ҳамда муассасаларнинг мутахассисларини ҳам жалб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, профилактика хизматлари ўғирлик жиноятининг махсус профилактикасини режалаштириш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фаройишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда ИИБнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади.

Ўғирликнинг махсус профилактикасини профилактика инспектори мазкур қонуннинг 4-боби талаблари асосида амалга оширади, жумладан, маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда ўғирлик жиноятларининг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши ҳолларида, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат мулкани талон-торож қилишга қаратилган хавф-хатарлар юзага келиши кучайганда, ўғирликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ўғирлик содир этишга мойил бўлган, ўғирлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида,

⁸ Зиёдуллаев, М., & Абдуллаев, Ф. (2022). ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чоралари тушунчаси, мохияти ва турларига оид айрим мулоҳазалар. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(2), 9-15.



хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ички ишлар органи ХПБ хизматига таклиф киритади.

Профилактика инспектори ўғирликнинг махсус профилактикасини ўтказиши ҳақида фуқаролар йиғинини хабардор қилиши ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишга ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларнинг ходимларини ҳам жалб этиши мумкин. Хуқуқбузарликлар профилактикасида ўғирлик жиноятларининг олдини олишга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш жамоат тартиби ва хавфсизлигини, фуқаролар тинчилиги ва осойишталигини, анъана ва қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш учун муҳим шарт-шароитлар яратиб беради⁹. Шунинг учун ҳам, ўғирлик жиноятларининг олдини олиш жамият ривожини учун улкан ҳисса қўшади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 169-модда
<https://lex.uz/docs/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон қарори
<https://lex.uz/acts/1448644>
3. Аистова, Л. (2022). *Кража. Анализ состава преступления и проблемы квалификации*. Litres,, Б.34
4. Акчурин а. в. к вопросу об объекте и предмете пенитенциарных преступлений //Редакционная коллегия: ВГ Бояринев, заместитель директора ФСИН России (ответствен. – 2021. – С. 11.
5. Меркулова, Ю. С. (1993). Криминалистическая характеристика краж произведений искусства. *Известия высших учебных заведений. Правоведение*, (1), 124-125.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –2014. –№20.–221-м.
7. Зиёдуллаев, М., & Абдуллаев, Ф. (2022). Ички ишлар ишлар органлари маъмурий чеклаш чораларини қўлловчи субъект сифатида. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(2), 16-18.
8. Зиёдуллаев, М., & Абдуллаев, Ф. (2022). Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чоралари тушунчаси, мохияти ва турларига оид айрим мулоҳазалар. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(2), 9-15.
9. Абдираимов, А., Абдуллаев, Ф., & Норқўзиев, С. У. (2022). Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш хуқуқбузарлиги учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари: мдх давлатлари қонунчилигининг тиббий, қиёсий-хуқуқий таҳлили. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(13), 212-217.

⁹ Абдираимов, А., Абдуллаев, Ф., & Норқўзиев, С. У. (2022). жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш хуқуқбузарлиги учун жавобгарликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари: мдх давлатлари қонунчилигининг тиббий, қиёсий-хуқуқий таҳлили. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(13), 212-217.